



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 136 (10.441)

2005 йил 14 июль



Айниқини шу йиллар ораллигида пойтахтимиздан йироқда бўлиб, бу ерга яқин орада келган киши ушбу ўзгаришлардан хайратда қолиши табиий. Бунёдкорлик азалий анъана саналган юртимиз пойтахтида айни дамда қурилиш-тиклаш ишлари жадал тус олган.

ПОЙТАХТИМИЗ ЧИРОЙИ ОРТАДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган ўн тўрт йил мобайнида бунёдга келган муҳташам иншоотлар, замонавий бинолар, барча шарт-шароитларга эга спорт мажмуалари, турар жой бинолари, кўркем ва улугвор санъат саройларини мустақиллик иншоотлари деб атасак хато қилмаган бўламыз. Тезкор давр талаби асосида шиддат билан қад ростлаётган бундай замонавий иншоотлар, бунёдкорлик ишлари юртимиз ва пойтахтимиз жамолини янада гўзал қиёфада намоён этганлиги биз учун ҳам фахр, ҳам ифтихордир.

Маълумки, пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг гўзал шаҳримиз тўғрисидаги илк таассуротлар аввало улар келиб тушган вокзал ва шўхбекатдан бошланади. Мустақиллик шарофати билан вокзал ва шўхбекатларнинг ташқи кўриниши ўзгача қиёфада, замонавий услубда қайта барпо этилаётганлигини Тошкент марказий вокзалининг асосида июнь ойида бунёдга келган марказий вокзалда бунёдкорлик ишларида «Келажак» шўба корхонаси-

нинг лойиҳаси асосида июнь ойида бунёдга келган марказий вокзалда бунёдкорлик ишларида «Келажак» шўба корхонаси-

ки, йўловчилар шу ернинг ўзига чипта харид қилишиб, перронга тўғридан-тўғри чиқиб боришади. Бундан ташқари автобуслар тўхташ жойидан Сарикўл кўчасига ўтиладиган кўприк қайта таъмирланиб, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар икки томони тўсиқлар билан берkitилди.


Айни дамда вокзал биносининг фасади ва ички қисми қайта таъмирланиб, замонавий витражлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, вокзал атрофидаги майдонда кўкalamзорлаштириш ишлари билан бир қаторда пиёда-

Виталий Богачёвнинг таъкидлашича, Тошкент Бошрежа ЛИТИ институтининг лойиҳаси асосида «Ўзавтотўл» концерни ҳамда «Автоматистрал» истисослашган йўл таъмирлаш магистрал бирлашмаси томонидан Миробод туманидаги Тарас Шевченко кўчасида бир ярим ой мобайнида кенг кўламдаги тиклаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва ҳозирда бу йўлда транспорт воситалари қулайлиқдан фойдаланмоқда. Тошкент марказий вокзалидан Ўзбекистон кўчасигача бўлган қўлдан йўл кенгайтирилди, ирригация лотоклари алмаштирилди, янги йўлқалар барпо этилди, шунингдек, кўкalamзорлаштириш ва дарaxтларга шакл бериш ишлари амалга оширилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, аҳоли манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган ушбу ишлар Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз кўркемликни ошириб юрдошларимизга ажойиб тўхфа бўлиши аниқ.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: марказий вокзалда амалга оширилаётган ишлардан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар



зий вокзали ҳудудда амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилиш-тиклаш, ободонлаштириш ишларидан ҳам билсак бўлади.
«Ўзтемирйўллойха» институти-



нинг қурувчилари жонбозлик кўрсатишмоқда. Ҳозирда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида вокзал атрофида автобуслар тўхташ жойи, кутиш ўриндиқлари, йўлқалар, фавворалар қуришмоқда.

Шунингдек, йўловчиларга яна бир қулайлик сифатида вокзал ташқарисида чиптахона қуришмоқда-

ишлари билан бир қаторда пиёда-

Хозирда ушбу ишларда 250 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаоллик кўрсатмоқда. Шунингдек, Тошкент марказий вокзали ҳудудига туғаш Тарас Шевченко кўчасида ҳам кўзга қўриқарли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Янгона бюромчиси хизмати бош муҳандиси

ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Б.Парпиев бошқарган йиғилишда солиқ идораларининг биринчи ярим йилликда амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бугунги устувор вазифалардан бири - солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. Солиқ идораларининг асосий вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушушини таъминлашдангина иборат эмас, балки солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимини янада оширишга қўмаклашишдан иборат.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши борасида солиқ идоралари томонидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётган. Натижада фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизоми тобора яхшиланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил июнь ойида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижроси-

ни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Қўмита томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режасига мувофиқ, солиқ тизими фаолиятининг кўп жиҳатларини янгилаш ташкил этиш, солиқ тўловчиларга мазкур ҳужжатларнинг мазмун-муҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ишлари мунтазам давом эттириляпти.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги давлат бюджетни параметрларни тўғрисидаги ҳукумат қарорининг солиқ идоралари томонидан ижроси ҳам кўриб чиқилди. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга маблағлар тўплаш бўйича белгиланган прогност курсаткиларининг бажарилишини таъминлаш, ортиқча тўловлар суммаларини кескин камайтириш, нақд пул тушумларини қўлайитириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар аниқ мисоллар асосида кескин тан-


кид қилинди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тушум режаси республика бўйича белгиланган миқдорда бажарилган. Аммо айрим вилоят ва туман солиқ органлари бу кўрсаткичларни алоҳида солиқ ва тўловлар турлари бўйича тўлиқ баҳара олмади. Баъзи ҳудудларда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти ва банкларга нақд пул тушуми устидан солиқ органлари томонидан қўнун доирасидаги назорат ишлари етарли даражада олиб борилмаётгани қайд этилди.

Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга қаратилган ҳукумат қарорлари талабларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Уларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда солиқ органлари зиммасига юклатилган устувор вазифаларни бажаришда сўтқашликка йўл қўётган айрим раҳбарларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



Украина давлат котиби ўринбосари Маркиян Лубкиевскийнинг билдиришича, Европа Иттифоқи ва Швейцария фуқароларининг Украинага визасиз келиб-кейтиш тартиби 1 сентябрдан эътибор чекланмаган муддатга узайтирилади.

Италия ҳукумати терроризмга қарши йўналтирилган махсус чора-тадбирларни татбиқ этиш бўйича режа ишлаб чиқди. Бунда асосий эътибор портларда ва жамоат транспорти тизимида хавфсизлик чораларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кеча эрталаб Покистоннинг жанубида учта йўловчи поезд бир-бири билан тўқнашиб кетди. Халокат натижасида 13 та вагон издан чиқиб кетган, 120 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирда фожеа жойида кутқарувчилар қидирув ишларини давом эттиришмоқда.

Италия Ироқдаги ўз ҳарбий контингентининг 300 нафар аскарини шу йил сентябрда олиб чиқиб кетишни бошлашини маълум қилди.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда авиация ва темир йўллар чипталарини сотиш, аҳолидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш, алоқа ва коммунал хизматлар, ресторан ва меҳмонхоналар ҳамда умумий овқатланиш, савдо ва бошқа шохобчаларда тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими тобора кенгаймоқда.

ҲАМ ИШОНЧАЛИ, ҲАМ ҚУЛАЙ

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорининг амалда жорий этилиши пўлнинг банкдан ташқари айланishiини кескин қисқартириш билан бирга аҳоли орасида ушбу тўлов усулини янада омаллаштириш имконини бермоқда.

Ҳисоб-китоб қилишнинг мазкур воситасини амалиётда янада кенг қўллаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, ихроси таъминланмоқда. Режага мувофиқ жойларга 750 тадан ортиқ терминал ва бир қанча банкоматлар ўрнатилди.

Этиборли жиҳати тўлов тез ва осон амалга ошириладиган пластик карточкадаги ишлатилмай турган қолдиқ маблагга йиллик 16 фоиз миқдорда даромад тўлаб борилади. Аёнки, бу фойдаланувчининг муомаладан ортиқча пулни қўпайтириб боради. Шу йилнинг июль ойига муомаладаги пластик карточкаларимиз ҳисоб рақамидagi қолдиқ сумма 822,0 миллион сўмини ташкил этди.

Юртимиздаги турли мулк шаклига эга ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳодимларига ихтиёрий равишда ойлик иш ҳақининг пластик карточка асосида берилиши таъминланган. Пойтахтимиздаги «Тошкент лок-бўк заводи», «Тошгипрогор» ҳамда Тошкент вилоятидаги «Охангароншифр», «Охангаронцемент» акциядорлик жамиятлари ва «Гўнча» фабрикалари ишчиларига маошларининг маълум қисмини шу усулда бериш йўлга қўйилган.

Мутахассислар берган маълумотга кўра, шу йилнинг биринчи ярмида «Ипотека-банк» пластик карточкалари орқали 1 миллиард 203 миллион сўм нақд пулсиз тўловлар амалга оширилган. Шундан 1 миллиард 166 миллион сўми товарлар сотиб олиш учун, 37 миллион сўми эса коммунал хизматлар тўловларига сарфланган. Шу кўнларда банк ўз мижозларига янги хизмат турларини жорий этиш мақсадида корпоратив ва кредит карточкалар бўйича ишлар олиб бормоқда.

Пул муомаласини такомиллаштиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар аҳолига қулайлик яратмоқда. Умумреспублика процессинг маркази томонидан ишлаб чиқилган яхлит автоматлаштирилган тизим — карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар — жойлардаги барча шохобчаларда банк операцияларини ягона тартиб асосида амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, агар кундалик эҳтиёжга нақд пул керак бўлиб қолса, уни республиканинг барча банкларига қарашли банкоматлар орқали олиш мумкин.

Холмурад САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

ИЗЛАНУВЧАН ИШБИЛАРМОН ИЛДАМ ОДИМЛАЙДИ

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти йўлидан дадил одимлапти. Бироқ орада айрим тўсиқлар, қутилмаган муаммолар, қийинчиликлар бўлиши табиий. Ана шуни инобатга олган Президентимиз иқтисодиётимиз ривожидagi тўсиқ ва говларни бартараф этиш, уни эркинлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва кафолат беришни кўзда тутган қатор Фармон ва Қарорларга имзо чекдики, улар бугунги кунда минглаб кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга баракали меҳнат қилишлари учун имкониятлар эшигини каттароқ очганлиги шубҳасиз.

— Президентимизнинг тадбиркорликка оид бир қатор Фармон ва Қарорлари билан танишмаган, ундаги қўллаб-қувватлаш ва имкониятлардан руҳланмаган ҳамкасбларим бўлмаса керак, деб ўйлайман, — дейди «Ташаббус —2005» курик-таълиқнинг Миробод туман босқичи ғолиби, «Энг яхши тадбиркор», «Холос» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Даврон Юсупов.

— Қўллаб-қувватлашдан, имкониятдан тўқинланган ҳамма тадбиркор бугун бир тараф. Уларнинг мақсадлари ҳам аниқ-равшан, яъни юртимиз иқтисодиёти ривожига, халқимиз фаровонлигига ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшишди. Биргина «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонни олиб қарайдиган бўлсак, у нафақат тадбиркорни ортиқча ташвиш, яъни ҳар хил текширув ва беҳуда аралашувлардан қутқариб, балки ҳуқуқий ҳимояси таъминланди, унинг янги механизми йўлга қўйилди.

Тўғри, мустақиллигимизнинг илк йиллариданқ тадбиркорликка кенг йўл очилди, аммо барча соҳада бўлганидек бу йўлнинг сўмоқларида ҳам ўзига хос ўнқир-чўнқирлар бўлди. Шу боис ундан хатлаб ўтишининг, сакраб кетишининг ҳам ўзи бўлмади. Натижада айрим тадбиркорларнинг ўз ишидан қўл силтаб кетганлиги ҳам кўпчиликка аён. Шундай ҳолатлар ҳам бўлдики, баъзи назорат органларининг устомон текширувчилари йўқ жойдан хатолар топишиб айнан иши юришиб турган тадбиркорни ишдан совутди, юрагига гулгула солди. Энг қувончлиси эса бундан буён ишимизга бундай ноқонуний аралашувлар бўлмайдиган, деган умиддамиз. Негаки юқоридаги Фармон

бунга чек қўйди.

Биз ҳам 1996 йилда иш бошлаган бўлсак, 2001 йилда банкдан 409 минг евро кредит олиб, полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, 50 нафар қўшимча ишчи ўринлари яратдик. Хитойдан келтирилган замонавий ускуналарда ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг буюртмачилари етарли, харидорлари кўп. Жорий йилда эса имкониятларимизни ишга солиб бир марта ишлатиладиган идишлар тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидамиз. Изланиш, бозор талабидан келиб чиқиб рақобатга чидамли маҳсулот тайёрлаётганимиз ютуқларимизга асос бўлса, муваффақиятларимизнинг энг катта омил тадбиркорларга юртимизда яратилаётган шарт-шароит, юқоридаги Фармон ва Қарорда кўзда тутилган имтиёз ва кафолат, ҳуқуқий ҳимоядир.

«Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонга кўра ҳозиргача аввалги тартиб бўйича даромадимизнинг 15,2 фоизини солиқ тўловига сарфлаган бўлсак, эндиликда бу 13 фоизни ташкил этади. Албатта, бу корхона ҳамёнида қўшимча маблаг қўлишини таъминлайди. Ушбу маблаг эса, шубҳасиз корхона ривожига, маҳсулот турлари ортishiда, ишчиларнинг моддий таъминотини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, мададдан унумли фойдаланиш, имтиёздан қувониш вақти келди.

— Юқоридаги Фармон ва Қарорлар мамлакатимизда ислохотларнинг боришида туб бурилишни бошлаб берди, — дейди «VICO» қўшма корхонаси директорининг биринчи ўринбосари Шавкат Хонбобоев. —

Улар тадбиркорларнинг иқтисодиёт ривожига қўшадиған ҳиссасида муҳим аҳамият касб этиб, бундан буёнги фаолиятида дастуруламан бўлади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлагим келади. Ҳисоб-китоб нечоғлиқ ихчам ва аниқ бўлса, ишлаш шунчалик осон кечади. Шу боис ҳам Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш тўғрисида»-ги Қарорининг аҳамиятини таъкидлаш ўринли. Унинг биринчи бандида кўрсатилишича, эндиликда микрофирмалар ва кичик корхоналар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда топишилади. Ҳар ойда ҳисобот топширишда, корхона ҳисобчилари кўпроқ ана шу билан шугулланиб, корхона учун ишлашга вақти ҳам қоларди. Эндиликда эса уларга вақт масаласида имкониятлар яратилди, ортиқча борди-келдилар, нават қутишларга чек қўйилди.

Айтиш лозимки иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровонлиқнинг бош йўли экан, демак юқоридаги ҳужжатлар ихроси эл-юрт раванқига улкан аҳамиятга эга. Эндиликда сунъи тоғига эга бўлган ташаббускор ва изланувчан тадбиркорлар бошлаган йўлларидан янада илдамроқ, ишонч ва собитқадамлик билан одимлайверади. Бу одимлар эса иқтисодиётимиз гуллаб-яшнашида, ҳаётимиз фаровонлашувида муҳим ўрин касб этишига шак-шубҳа йўқ.

Хулоса эса битта: фикр тиник, ғояси ўткир тадбиркорга бугун омад ёр бўлиши аниқ.

Шарифа ИЛЁСОВА

МЕН — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДИМ

Тошкент Ислон университетида бакалавр ва магистрларнинг «Мен — буюк юрт фарзандиман, унинг тинчилиги ва фаровонлиги учун хизмат қилиш менинг муқаддас бурчимдир» шиори остида битирув кечаси бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур университет ҳозирги кунда диний ва дунёвий билимларни ўзлаштирган, хорижий тилларни пухта эгаллаган янги тоифа мутахассисларни тайёрловчи кўп қиррали таълим масканига, маънавий-маърифий ва илмий марказга айланди.

Университет таркибидagi Ислоншунослик илмий-тадқиқот маркази, маънавий меросимизнинг нодир нусхалари сақланадиган Манбалар хазинаси, илмий ва ўқув адабиётларига бой кутубхона, замонавий компьютер ва лингафон хоналари, интернет тармоғи талабаларнинг чуқур назарий билим олиши ва амалий қўникмаларни шакллантиришига хизмат қилиб келмоқда.

Талабаларга тахсил олиш билан бирга «Зиё» телестудияси, «Зиё садоси» радиостудияси, «Илмий-таҳлилий ахборот» бюллетени ва «Ислон зиёси» газетасида ўз илмий-ижодий салоҳиятларини ошириш учун ҳам зарур шароит яратилган.

Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида университет талабалари учун турли давлат ва жамоат ташкилотларида касбий амалиётни ўташ тизими ҳам шакллантирилди. Амалиёт даврида ўзининг замонавий дунёқараши, пухта билим-

га эгаллиги, интилувчанлиги ва ташаббускорлигини намойиш этган талабаларнинг аксарияти ўқишни тамомлагач, айнан шу идораларда ўз меҳнат фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Университетда замонавий фикрловчи, диний ва дунёвий билимлар, маърифий ислон асосларини мустаҳкам эгаллаган ҳамда диний экстремизм жаҳолатига қарши кураш қўникмаси ва салоҳиятига эга мутахассислар тайёрланаётганини таъкидламоқ лозим. Мазкур ҳолатни эътиборга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги қарори билан университетни таъмомлаган бакалавр ва магистрларнинг лавозим маошлари 20 фоиз миқдорда ойлик қўшимча ҳақ белгиланди.

Бу йил университетни битирган 128 бакалавр ва илк қалдирғоч ҳисобланган 20 магистр ҳам Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ички ишлар, Халқ таълими, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат божхона, солиқ, Хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, прокуратура, суд идоралари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, банклар ва бошқа ташкилотлардан келган талабномалар асосида иш жойларига йўллана олдилар.

Тадбирда сўзга чиққан давлат ва жамоат арбоблари, уламолар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари мустақил ҳаётга йўлланма олган битирувчилар миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда халқ анъаналарини эъзозлаган ҳолда эл-юрт келажига учун фидокорона ва ҳалол меҳнат қиладилар, деб ишонч билдирдилар. Хусусан, университет фаолиятига юксак баҳо берган Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин Москва давлат университети қошида ҳам ислон университетини очиб қарори қабул қилинганини айтиб, мазкур икки олий таълим даргоҳи ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқалари ривожланишига умид билдирди.

Ўз навбатида, битирувчилар қаерда ишлашларидан қатъи назар, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятдан ўрнак олган ҳолда, ўз билим ва малакаларини юрт тинчилиги, халқ фаровонлиги учун сарфлашга, айниқса, турли таҳдидларнинг олдини олиш, уларга қарши курашда бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга доим тайёр эканликларини билдирдилар.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли
Янгиликлар, воқеалар

ҚАЧОНДА

- **КЕЧА** «Чалок номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятига қарашли Эргашев номи санитар қўшони шифонасида бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармониди белгиланган вазифалар муҳофазасида бағишланди.
- **ЭРТАГА** «Чоштепа» маҳалласида фаоллар, воғая етмаган қизлар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими, Тошкент Ислон университети талабалари ҳамкорликларида ўтказиладиган давра суҳбати «Ислон динида қизлар тарбияси» мавзуга бағишланди.
- **ЎТГАН** кун «Ўрикзор», «Мустақиллик» маҳаллаларида «Камолот» ЕИХ Ўчтепа туман Кенгаши ташаббуси билан берморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича уюштирилган ўқув машғулотига фаол ёшлар иштирок этишди.
- **КЕЧА** 158-мактабда «Камолот» ЕИХ Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилган арқон тортиш, футбол мусобақалари, «Моҳир ҳужумчи», «Кувнок» «Стартлар» ўйинларида Фуқрат ҳамда «Сарикўл» маҳаллалари ёшлари ўзаро беллашди.

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги Матбуот
хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

«Қамолот»

ЁЗ —
ЎТМОҚДА
СОЗ

Шу кунларда «Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши томонидан «Ёзни «Қамолот» билан» акцияси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ал-горитм» оромгоҳига уюштирилган саёхат ана шундай тадбирларнинг бири бўлди.

Оромгоҳда мазза қилиб дам олаётган болажонлар ўртасида қамолотчилар акция доирасида кўча оммавий спорт ўйинлари, оғоҳлик мавзусидаги семинар-тренинглари ҳамда шўх куй ва рақслар, сахнавий кўринишлардан иборат қатор тадбирларни ўтказдилар. Таътил вақтини серзавқ ўтказишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган бундай кўнгилочар кечалар барчага маъқул бўлди.

Куни кеча юқоридаги акция доирасида «Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши томонидан «Бўстон» маҳалласида ҳам «Кўча оммавий спорт ўйинлари» мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий ва «Гулистон» маҳаллаларидан ёшлар билан ишлаш комиссияси вакиллари ҳамда ўсмирлар иштирок этдилар. Қизиқарли мусобақада ғолиб бўлган ёшларга «Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими кенгаши томонидан сертификатлар тақдим этилди.

Наима МИРХОЖИЕВА,
«Қамолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши матбуот гуруҳи котиби.

«Қамолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши томонидан «Ёзни «Қамолот» билан» лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Шу жумладан яқинда «Тошкент Трактор заводи ОАЖ» га қарашли «Билдирсой» ёзги дам олиш оромгоҳида ҳам спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Футбол, волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, арқон тортиш каби спорт мусобақаларида болалар 1, 2, 3-ўринлар учун кураш олиб бордилар. Мусобақада ғолиб чиққан болаларга «Қамолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди. Юқори ўринларни олган болаларни яна «Тошкент трактор заводи ОАЖ» раҳбари ўринбосари Маъмурхон Назаров эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Шундан сўнг мусобақалар якунида «Чекишга вақт йўқ» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда болалар ўзларининг кўргазмалар расмлари билан қатнашдилар. Оромгоҳда бундан кейин ҳам «Қамолот» билан ҳамкорликда мана шундай тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказиб турилишига келишиб олинди.

Улуғбек ИМОМАЛИЕВ,
Тошкент Ислон университети талабаси.

Тошкент Ахборот технологиялари университети 3-курс талабаларининг тантанали қасамёд қилиш тадбирида бўлганимизда ҳаёлимиздан беихтиёр юқоридаги фикрлар ўтди.

Ҳа, ҳозирда алоқачи-курсант бўлиш талабалар ҳаётида сермазмун ўқув машғулоти, саф тайёргарлиги, замонавий техник воситаларни ўзлаштириш, полигондаги машқлар — барча-барчаси ортда қолди. Ўқув йиллари уларнинг юртимизнинг мард, ватанпарвар, заҳматкаш инсонлар бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат қиламан». Курсантлар қасамёдининг биргина шу сўзининг ортда мамлакат тақдирига дахлдорликни ҳис

этишларидек юксак инсоний туйғулари ётибди.

Олий ўқув юрти махсус факультети раҳбари Ботир Раҳиммирзаев, маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Нигматулла Мўминов, ҳарбий кафедра мудири Абдуқодир Абдуҷалилов, курсантларнинг ота-оналари қалбларини тўлқинлантиратган энг эзгу дил ихорларини баён этдилар. Сўзга чиққанлар юртимиз химоячиларининг сафларига халқимиз оқшайишларини куну тун сергаклик билан муҳофаза қилувчи муносиб ҳарбийлар келиб қўшилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундай фарахбаш ва қувончли лаҳзаларда бўлғуси ҳарбийлар ота-оналарининг



фикрларини тинглаш ҳам мароқли.

— Бугунги кун бутун оиламиз учун унутилмас бўлиб қолади, — дейди курсантнинг онаси Галина Абдураҳмоновна. — Зеро, бугун оиламизда яна бир Ватан химоячиси қасамёд қилди. Ҳаётда бир марта рўй берадиган ушбу қувончли воқеа узок-узок йилларгача ёдда сақланади. Фарзандимизни ушбу соҳани танлашига ҳеч ким мажбур қилмади. У фақат оиламизнинг шонли аъзоларини давом эттирмоқда. Зеро, ўғлимизнинг ҳар иккала бобоси ҳарбий, отаси заҳирадаги полковник, акаси ҳам хизматда, ўзим эса ҳарбий академияда фаолият кўрсатаман.

(Ўз мухбиримиз)


СУРАТЛАРДА: тантанали қасамёд қилиш маросимидан лавҳалар.

Владимир Гранкин
олган суратлар.

Ватанга хизмат — нуқаддас бурч

ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Ватанга хизмат муқаддас бурч эканлигини мустақил диёримизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши яхши билади. Зеро, она-Ватаннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачигидек асраш, тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида бор кучини, ғайратини сарфлашдан ортик бахт борми дунёда.



Аёл — ҳар бир инсоннинг бешигини тебратган, оқ сут бериб ўз қалбига, вужудида пайдо бўлган илк даврдан то комил инсон даражасига етгунга қадар уни авайлаб, асраб, фарзанди юрагига одамийлик фазилатларини сингдириб, ҳаётга тўғри йўналиш берадиган фидойи инсондир.

Инсоният тарихи зарваракларини варақлаб шунга гувоҳ бўламизки, асрлар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги ўша даврда аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир.

Бугунги кунда оилага, ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият берилмоқда. Негаки, ҳозирги кунда давлатимизнинг энг катта ишончи, мадади, таянчи ўсиб келаётган ёш авлоддир.

Республикаимизда ҳар бир йилнинг «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла» йили, «Меҳр ва мурувват йили» ва жорий йилнинг «Сиҳат-саломатлик» йили деб номлангани ва шу мақсадларга махсус давлат дастурлари, қонунлари қабул қилингани бу соҳада олиб бораётган ишларнинг ўта муҳимлигини билдирди.

Конституцияимизнинг 39-моддасида «Фуқаролар қарияда, меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» деб қайд этиб қўйилган.

Шу асосда давлатимизда аҳолини ижтимоий химоялаш тизими яратилиб, ижтимоий таъминот соҳасида қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва Республикаимизда хотин-қизларни ижтимоий

химоялашга кенг эътибор бериб келинмоқда. Фикримизнинг далили сифатида биргина «Аёллар йили»да аёлларнинг ижтимоий таъминотида доир қонунчиликни илмий таҳлил қиладиган бўласа, Юртбошимиз ташаббуслари билан қанчалик буюк мақсадлар кўзланиб, тадбирлар иш-

хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини химоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг мустақамлигини, маънавий софлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш борасида қатор муаммо-

парваришлар учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёшдан 5 йил камайитирилиб, яъни 50 ёшдан имтиёзли ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади» дейилган. Бизнингча, ҳозирги жамиятимиздаги ривожланишни эътиборга олган ҳолда, аёлларни ижтимоий химоя қилишни янада кучайтириш мақсадида қонундаги беш болали деган жумлани «уч болали» деган жумла билан ўзгартириш ва учта фарзандни 8 ёшгача тарбиялаган, воқеа етказган онани «кўп болали» она деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда жамиятда оналаримизнинг фарзанд тарбияси, оила осойишта-саранжомлиги ва жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишлари учун вақтларни яна ҳам кўпайган бўларди.

Иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бевосита хотин-қизларни ижтимоий химоялаш бўйича вазифаларини ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш ҳам давр талабидир. Фикримизнинг исботи тариқасида Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг чиқарилиши ва шу асосда тегишли ҳукумат қароридида ҳокимлар олдида қўйилган мақсадли вазифаларни келтиришимиз мумкин.

Г. ГАНИЕВА,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети катта ўқитувчиси.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Ислохотлар оқимида

АЁЛЛАР ИЖТИМОЙ
ҲУҚУҚЛАРИ
КАФОЛАТЛАРИ

Асрлар давомида аёлларга, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига алоҳида эътибор бериб келинган. Аёлларни ҳурматлаш, улуғлаш, эъзозлаш — бизнинг давлатимиз, миллатимиз, халқимиз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган олий қадрият ҳисобланади. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда: «Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз».

лаб чиқилганлиги ва ҳаётга тадбиқ этилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, давлат дастурида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун 72 миллиарддан ортик маблағ сарфланган. Тадбирларга республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан 51,2 миллиард сўм маблағ ажратилиб, шулардан 40,7 миллиард сўми кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун сарф этилган. Аёллар ва болаларни соғломлаштириш учун соғлиқни сақлаш бинолари қурилишига ва тиббиёт ташкилотларини энг янги ускуналар билан жиҳозлаш учун 7 миллиард сўм ажратилган.

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайлигина

ларни ҳал қилиш учун кенг имконият яратилди.

«Кучли давлатдан — кучли жамиятга» қондаси асосида хотин-қизларни ижтимоий химоялаш масалаларини янада такомиллаштириш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Шу маънода биринчидан, мавжуд қонунчилик доимий равишда такомиллаштириб борилиши лозим. Масалан: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «з» бандида «беш ва ундан ортик фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар — болани парваришлаш учун кетган вақтни қўйиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани

Хатжонларни қайтиладанга

МОҲИЯТ ИНОБАТГА
ОЛИНСА...

Касбим — ўқитувчи. Мактабда она тили ва адабиётдан дарс бераман. Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртини тамомлаганман. Биз ўқиган пайтларда пойтахтда ҳали метро хизмати ишга тушмаган эди. Одамлар тегилини трамвай-ю ҳаммаша тирбанд бўладиган автобустарда бир амаллаб манзилига етиб олишарди. Яратганга шукр, эндиликда узокни яқин қиладиган метро қурилган. Лутфихоним ая айтмоқчидек, «лип» этиб хоҳлаган жойингизга олиб бориб қўяди. Ҳеч қандай асаббужарликка ҳожаат ҳам йўқ.

Орадан қанча йиллар ўтди, денг. Яқинда пойтахтда яшайдиган ўғлимнинг уйига меҳмонга келдим. Хавасим балинд эди. Бир метрроларда сайр қилсам дейман: бекатлардаги бежиримликдан завклансам дейман...

Муродим ҳосил бўлиб, ўғлим билан метрога тушдик. Ҳамма нарса қулай, замонавий поездлар дақиқа сайин қатнаб турибди. «Ойбек» бекатига келдик. Ҳаёлимни XX аср ўзбек адабиётичи «Навоий», «Қутлуг қон» сингари романлари беэган буюқ адибнинг салобатли қиёфаси акс этган паннолар, ёзувчи қаламига мансуб асар қаҳрамонларининг суратлари банд этганди. Уларни кўриш истаги тинчлик бермасди. Йўқ! Бу бекат деярли Ойбек домла ҳаётига доир тушунчаларни ҳосил этмасди.

Кейин «Ғафур Ғулом» бекатида ҳам шу ҳолни кўриб хайратим ошди. Ахир метро бекатларини адабиётимизнинг икки буюқ чинори ҳаётига оид лавҳалар, эсдалик сўзлари билан безатсақ, бу уларга бўлган ҳурматимиз ифодаси эмасми?! Истардимки, бу борада мутасаддилар аниқ қарорга келишадиган, келгусида бу каби филарни инобатга олишадиган.

Қаҳрамон ПАРДАЕВ,
Сурхондарё вилояти.

ИБО МАЛИКАЛАРИ
ҚАЙДАСИЗ?

Халқимиз азалдан ўзининг миллий қиёфаси билан бошқа халқлар орасида ажралиб туради. Шу боис, ота-боболаримиз фарзандларини иболо-ҳаёли, маънили инсонлар сифатида тарбиялашган. Ўзбек хонадони қадимдан уятни бошидаги тож янглиғ асраб-авайлаган.

Бироқ ҳозир вақит кундан-кунга ўзгармоқда. Қайси хиббонга бош сукманг унда албатта «ошқора» муҳаббатни намойиш этадиган жуфтликлар ўзларининг бетайин қиқилари билан гашингизга тегади. Ҳаёлга толасан, киши. Мана шу она суги оғиздан кетмаган гўдаклар ҳали севиғи нималигини, аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларнинг маънавий асослари нималардан озуқа олишини билармикан, деган ҳадиқли саволдан руҳингиз

безовта бўлади. Юрагингизнинг қайсидир нуқта-лари ачишиб кетади.

Назаримда, буларга таъсир ўтказувчи омиллар кўп. Европа ва Ғарб давлатлари маданиятининг юртимизга кириб келиши, айрим ахлоқсиз, жангари фильмларга ёшлар орасида қизиқишнинг кучайиши ёшларимиз ахлоқини бузмоқда. Қизларимиз юзидидаги шарм-ҳаё, ибод пардасини дарз кетказмоқда. Демакки, келажак ворисларининг кейинги ҳаёти ҳақида янада чуқурроқ ўйлаб кўриладиган палла келганга ўхшайди.

Ҳидоят МАҲКАМОВ,
Сергел тумани.

ИНТЕРНЕТ
ҲОЙДАЛИ...МИ?

Ҳозир қарерга қараманг, Интернет кафеларига рўбарў келаварасиз. Бир ҳисобда яхши-да, ёшларимиз бир тугмачани босиши билан оламжаҳон маълумотга эга бўлаётти, дейсиз. Севинасиз. Мактабда ўқиётган ўғлингиз ёки қизингизнинг Интернетнинг афзалликлари ҳақидаги гапларини мароқ билан тинглайсиз. Ичингизда «бизнинг даврларда бундай матоҳ кимнинг ҳаёлига келибди», деган ачиниш ҳисси тугён уради.

Аммо, севишишга кўпма асосимиз йўқдай. Негаки Интернет кафе билан уй ўртасида бўзчининг моқсидай тиним билмай қатнаётган бола-жонларимизнинг кўпчилиги фойдали машғулот билан шуғулланимда дея олмаимиз. Уларнинг аксарини жаҳон эстрадада хитга айланган қўшиқларни эшитиш (афсуски, уларнинг кўпчилиги шунчаки бемаза шовқин ва телба-тескари алаҳсирашдан иборат бўлса-да), Майкл Жексон устидан олиб борилаётган суд ҳулосалари, Таркан уйда кийим киядими ёки ярим яланғоч юрадимни сингари алмойи-алжойи маълумотлар қизиқтиради. Айримлари кишини йўлдан оздирадиган, бизнинг менталитетимизга мутлақо мос келмайдиган бешарм фильмларни томоша қилиш билан овора. Минг уринмайлик, буни рад этишга ҳаётий асослар етарлича топилади.

Шундай экан, биз ота-оналар фарзандларимизнинг Интернетни ўрганиш борабисидаги интилишларини рағбатлантириш борабисида, уларнинг босаётган қадамларини ҳам кузатиб борсақ, фойдадан ҳоли бўлмас. Қолаверса, ота-оналик бурчи шунга талаб этади. Токки эртага кеч бўлмасин.

Шариф СУЛТОНОВ,
Юнусобод тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: албатта, муаллифларимизнинг жойлардан юбараётган мактублари ўзининг долзарблиги билан киши эътиборини тортади. Қувонарлиси, юртдошларимизда демократия тамойилларига мос тарзда фикрлаш, нуқсон ва камчиликларни дадил кўтариш истаги кучаймоқда. Шундай экан биз билан мулоқотда бўлиш ниятида мактуб ёзишдан, ўз фикрингиз билан чиқишга ҳаракат қилишингиздан умидворимиз.



Китоб — билим ва тафаккурнинг манбаи ҳисобланади. Аждодларимизнинг бекиёс кашфиётлари, бугунги замоннинг энг нодир мўъжизалари, бадиятнинг ўлмас дурдоналари айнан китоблар орқали бизгача етиб келиши аён ҳақиқат.



Бугун ёшлар китоб ўқимай қўйишди, дея бонг урилаётган бир пайтда сиз суратда кўриб турганингиздек мурғаккина қалб соҳибаларининг китобга чанқоқлик билан талпиниётгани қувонарли ҳол дейишга ҳақимиз.

Алексей Попов олган суратлар.



Ҳаёт сўқмоқлари ўнқир-чўнқир, текис ва нотекис йўлларида иборат. Кимдир ҳаётида юз берган бирор воқеадан шодланса, бошқа бир инсон бошига тушган мусибатдан азият чекади. Кимдир бир оғиз ширин сўзи билан яқинларини хурсанд қилмоқчи бўлади, яна бошқа биров энг яқин кишининг туғилган кунига қимматбаҳо буюмни совға қилмоқчи истайди. Олим бўлишни ният қилган аспирант эса ихтироси тезроқ амалга ошмоғини хоҳлайди. Бошқа бир хизматчининг эса бир ҳафталик меҳнатдан сўнг тоғ ён бағрида дам олмақни кўнгли тусайди. Ҳа, азизлар, бу сатрларни бекорга тизаётганимиз йўқ. Сизлардан келаётган мактублар, телефон қўнғироқлари, юзма-юз мулоқотлар туйғайли «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари мазмунан ранг-баранг ва қизиқарли чоп этилмоқда. Қувонарлиси, сиз азизлар, ижтимоий, маданий, сиёсий жабҳаларда юз бераётган янгилашилари ислохотларга бефарқ эмассиз. Қизиги, қайси жабҳада бирор муаммо юзага келаётган бўлса, ўзларининг қимматли вақтларини аямай, тақлифлар, мулоҳазалар, ҳатто танқидий чиқиш билан таҳририятимизга мактуб йўллаётган газетхонларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бугун эълон қилинаётган «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари сиз азизлардан келган хатлар асосида тайёрланди. Ҳамкорлигимизнинг бузунгиданда самаралироқ, мазмунлироқ кечиши учун бизга мактуб йўланг. 136-55-83 телефонида сим қоқинг.

...танқид қилади

ИНСОҒСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН

Чорсу-Чуқурсой йўналишидаги 109-автобус доимо тегилини кўчириб, ҳар хил хангомаларга ҳам бой. Жамиятимизда яшаб туриб, тузни ичиб туриб тузлигига тупураётганлар билан бир ҳаводан нафас олаётганининг ҳис қилишининг ўзи баъзан кишини хафа қилиб юборади. Нима гап ўзи дейсизми?

Эрта тонгда кўтаринки кайфият билан автобусга чиқдим. Қорасарой бекатига келганда оёғидан-бурнигача ўралиб олган (ўзича ҳаёли-иболи) 28-30 ёшлар чамасидаги иккита аёл автобусга чиқишди-да, бир-бирига балинд овоз билан дардини айтиб кетишди. Уларнинг бири иккинчисига қуюниб гапирар эди. «Ҳозир анови Нодирага яна кетаяпман, бир йилда 2-3 марта учраб турмасча бўлмаяпти. Яна бир йилга чўзириб келаман (ўта нороози оҳангда), тез учрасин, бўлмаса меҳнат дафтарчасини олиб кетсин депти. Шундай борамадан оғзини ёпиб келаман, ишқилиб жа катта сурамастикан, жуда оладиган бўлиб кетди-да», деса иккинчиси, «Яқинда мен ҳам бўлиб кетдим, олти оғига чўзиб берди, устига оғизна қўшасиз барибир», деди бо-сиққина.

Уларнинг яна бир-икки

оғиз гапидан сўнг мен шу нарсани англадимки, ўзлари қонуний тарзда ишламасдан туриб бир боғчага анагами, ошпаз сифатида расмийлаштирилиб меҳнат стажи учун боғча мутасаддилари билан келишиб, иш стажини ноқонуний давом эттираётган экан. Ё тавба, шу ишнинг бошида турган инсон давлатимизни алдаб уларнинг келажакдаги нафақа пенсияси учун жон куйдираётганими ёки ўз кассасини тўлдириш учунрози оҳангда, тез учрасин, бўлмаса меҳнат дафтарчасини олиб кетсин депти. Шундай борамадан оғзини ёпиб келаман, ишқилиб жа катта сурамастикан, жуда оладиган бўлиб кетди-да», деса иккинчиси, «Яқинда мен ҳам бўлиб кетдим, олти оғига чўзиб берди, устига оғизна қўшасиз барибир», деди бо-сиққина.

Уларнинг яна бир-икки

давом этаётган эди. Ахир қарилдик гаштини суриш учун давлат қорхонасида ишлаши зарур экан, нега ишламай тайёр ноқонуний ҳужжатга ружу қўйилмоқда? Бунга сабаб жойлардаги кадрлар бўлимлари ва раҳбариятдагиларнинг масъулиятсиз тарзда бефарқ иш ташкил этаётганларидир. Бундай қонунбузарликнинг олдини олиш вақти келмадимикан азизлар?

Мухтасар КАРИМОВА

Таҳририятдан: дарҳақиқат, кўча-кўйда юрганимизда қулоғимизга мактубда келтирилган воқеага ўхшаш гаплар эшитилиб қолади. Кўпинча бундай гапларга беписандлик билан, лоқайд ҳолда муносабат билдирамиз. Айрим ҳолларда қандили урсин, «эплагандан кейин нафақасини ҳам олади-да», деймиз. Аслида қонуни устуворлиги бузилаяпти. Бунга эътибор қилмаймиз. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосий вазифамиз экан, ҳар бир қонуниёз ҳаракатга қарши турмоғимиз лозим. Шу боис ҳам, гарчи муаллиф фикри газетхонга бироз эриш туюлсада бу хатни таҳрирсиз эълон қилмоқдамиз.

Тўқилмаган ҳикоялар

«БИРОВНИНГ ҲОЛИГА
КУЛМАГИН ЗИНҲОР...»

Бекатда автобус кўтиб тургандим, ёнимга қора рангли «Мерседес-Бенц» машинаси келиб тўхтади. Кўшим Алижон экан.

— Ишга кетаяпсизми? Машинага чиқинг олиб кетаман, — деди у. Ноилоҳ ўтирдим.

— Пиёда юриш жонингизга теғмадими, — гап бошлади Алижон, — қаминадан ўрناق олингизда бундоқ.

Унинг, менсимай, масҳараомуз гапириши гашимни келтирсада индамадим. Буни ўзича тушунган Алижон нима дейди денг.

— Ҳа, қўшни, индамайсиз. Яёв юриш сизга ярашади. Биз эса машинасиз ҳаётимизни тасаввур қилолмаймиз. Ҳа, энди яхши пул топгандан кейин шунга яраша яшаш керак-да.

Унинг манманлиги суяк-суягимдан ўтиб кетди, ишхонамга етмаёқ уч бекат нарида машинани тўхтаганини илтимос қилдим. «Бировнинг ҳолига қулмагин зинҳор, сенинг ҳолингга ҳам қулувчилар бор», деган ҳикмати мақоли Алижон унутиб қўйган чоғи. Хайр-маъзурни насия қилиб машинада эримнинг кўзига қандай қарайман. Менга бу ҳақда оғиз очиб қайта гапирман.

Икром аканинг дами ичига тушиб кетди. «Беш кун ичида қўндролмасам Икром отимни бошқа қўяман», деб қўйди. Буни қарангки, бандасининг эмас, Яратганининг айтгани бўлади, деганлари рост экан. Тақдир тақозоси билан Ноилдан кўндари олмаган Икром аканинг ўзи автохалокатга учраб оламдан ўтдию, бешинчи кунга қабрга қўйилди.

Тўра ИЛХОМОВ

«ЭНДИ ТЕК ЎТИРИНГ,
БЎЛМАСА...»

Ўт ўчирувчилар етиб келишганида уй эгаси Нор-мат ака фарёд қилди:

— Ичкарида хотиним қолиб кетган. Тезроқ ёрдам беринглар уқалар.

Лейтенант Солиев газикчиб қийишга ҳам улгурмай аланга ичига отилди. Икки-уч дақиқалардан сўнг қўлида йигирма беш ёшлардаги бехуш жувонни кўтарганича оstonада пайдо бўлди.

— Тезроқ сундий нафас бериш керак, — буюрди майор Ҳамроев.

Ўт ўчирувчилардан бири аёлнинг оғзини базўр очиб, пуфлай бошлади.

У чуқур нафас олиб, қирмизи лаблар томонга эгилар экан, ранги ўчган уй эгаси дўриллади.

— Хов ука. Бўлди-да энди жа-а индамаса...

Эрининг беҳуда раш қилаётгани майорнинг гашини келтирди ва у хонадон соҳибига деди.

— Хотинингизни ўтга ташлаб ширин жонингизни олиб қочдингиз-а. Ўт ўчирувчининг хизмат вазифасини бажаришга ҳаёлатик берманг. Ахир у хотинингизни ўлаётгани йўқ, нафас бераёпти. Тек ўтиринг, бўлмаса...

Майор Ҳамроевнинг вақоатини кўриб таҳдиддан чўчиган эр жим бўлди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Газетхон миннатдорчилик билдиради

РАҲМАТ СИЗГА,
МУРАБИЙПАР

Сиҳат-саломатлик йилда келажакимиз бўлиш болаларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашимиз биз оналарнинг бурчимиздир.

Фарзандимнинг нутқида камчилиги борлиги сабабли шифокорларнинг маслаҳатлари билан Собир Раҳимов туманида жойлашган 233-болалар боғчасининг логопед гуруҳига йўлланма билан бордим. Аввало бу боғчанинг бошқа боғчалардан фарқи —

озода, саранжом-саришта, файзлилиги мени ўзига жалб этди. Бу ерда мени логопед гуруҳи тарбиячиси Муҳайе Мансурова очик чеҳра билан кутиб олди. Фарзандимнинг нутқидаги камчилиқни текшириб кўриб, у билан муо-лажалар олиб боришини айт-

ди. Муолажалар, уйга вази-фалар, мунтазам шуғулланиш фарзандимга анча ёрдам берди. Ҳозирда анча равон сўзлайдиган бўлиб қолди. Муолажалар давомида у ўқини, ёзини, расм чизини ўрганди, шеърлар, ҳар хил машғулотларни ўзи мустақил элай бошлади. Боғчада ўқатиладиган байрамларда қатнашиб ўзлаштириши ҳам анча яхшиланди. Мен мана шундай меҳрибон, ўз касбининг билимдон бўлган Муҳайе Мансурова, Фарида Аҳмедова сингари тарбиячиларга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Маҳсума ИБРОҲИМОВА

...сўрайди

БИНО ТАРИХИНИ БИПАСИЗМИ?

Тарихни билмай туриб, келажак ҳақида ўйлаш душвор. Камина ҳам рассом иходдор бўлгани туйғайлими, шахримиз тарихига жуда қизиқаман.

Маълумки Амир Темур хиббони шахримизнинг қоқ марказида жойлашган. Ушбу ҳудудда эса Ўзбекистон Бадий академиясига қарашли Замонавий санъат маркази биносида қад ростлаган. Бу жойлар бир вақтлар собиқ чор Россияси ҳукуматининг Туркистондаги генерал губернаторлиги идораси бўлган дейишадим. Мазкур идора атрофи Халқа йўли билан туташган бўлиб ўртада боғ ҳам барпо этилган ҳамда шахримизнинг тўрт тарафидан келган йўллар шу ерда туташган экан. Бу ҳудуддаги бинолар эса Европа типда қурилган бўлиб, эшитишча ушбу биноларда ўша вақтларда руслар, арманлар, яҳудийлар истикомат қилишган. Собиқ иттифок даврида ҳам бу жойлар «Янги шаҳар» деб

юртилганлигини эшитганман. Мени Замонавий санъат маркази биносининг тарихи қизиқтириб қолди. Сабаби, бундан 100 йиллар аввал асосан европаликлар яшаган ва бунёд этган ушбу бино шарқ метаморфизми аъёнлари услубида қурилганлиги қизиқ. «Тошкент оқишони» газетаси орқали тарихчи олимларимиздан сўрамоқчиман. Ушбу бино авваллари қандай фаолият кўрсатган? Балки бу бинони ўзбекистонлик усталар қургандир. Ҳуллас ушбу бино ҳақиқатан ҳам чор ҳукумати даврида қурилганими ёки шўролар томонидан бунёд этилганими?

Сизларга ҳурмат ва эҳтиром ила

Абдурасул ҲАКИМОВ

...фикр билдиради

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТСИН

Бугун ўзбек кино санъати бир мунча ривожланиб босқичга кирганди туюлади. Кеча кино санъати оқсаяпти, унинг келажигини қандай тасаввур этамиз дея афсус чеккан бўлсак, эндиликда қайси фильм премьерасига тушишни билолмай сарансиз. Аммо...

Очиги, бугун кинода умбро-мол, кимдир бунга йигитларга хос ўмардлик, ҳаётий ҳақиқатлардан бири сифатида қарашни мумкин. Бироқ бизнинг эркак кишининг инсоний гурурини шу даражада тубанга уриб тақини эшитишга ҳақимиз бормикан?! Афсуски, ҳозирги аксарият енгил-елпи фильмларда шундай жиҳатлар кўзга ташланаётгани кишини ажаблантиради.

Одатда шундай ҳаёлларга берилар эканмиз, ўзбек кино санъатининг бебаҳо намуналари ҳам сароб туйғувлар гирдобиди исзис йўқолади. Фильм охирида бироз сохта, қўнғилири эри-тиб юрибдиган амаи йироқ «Авидо-ми ёки «Етолмай» адо бўлдим-ми мазмунинида қўшқ янграйди...

Иккинчи жиҳат ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Гап шундаки, аксарият янги фильмларда йигит кизга ўзининг севиғи розини айтивериб, ҳар қандам қовун тўширади. Қиз эса энсакотарлар тоифасидан бўлгани боис, «анойи» йигитнинг авра-астарини ағдар-тўтар қилвериб роса «синайди»... Замонавий «Мах-гиз» бўлса, «Лайлининг ҳар кан-

дай инжиқликларига тайёр. Эҳти-қий мавзу — севиғига кенг йўл очилди. Нима жин урди, бил-майман ёшларимизнинг кўпчи-лиги севиб, севилишсиз етишса олмай армонда қолишганими, фильм севади-ю киз қурғур ба-давлат хонадон вақиласи бўлган-ни сабабли шўринг қурғур йи-гит бармоғини тишлаб қолавер-ради. Бечоранинг ўзини ҳар қўйга солгани, ҳатто То Круз-га тақлид қилиб, сочили ажаб-товур модала калта қилдиргани ҳам сароб туйғувлар гирдобиди исзис йўқолади.

Ўзбек кино санъатининг улкан даргалари — Лутфихоним Сарим-соқова, Раҳим Пирмуҳаммадов, Наби Раҳимов, Марям Ёқубова, Шукр Бурхонов, Аббос Бакиров, Раззоқ Ҳамроев каби устоз санъаткорларнинг маҳорат ва малака-

ларни, йиллар давомида тўплан-ган тажрибаларидан фохр туйғу-сини туйамиз. Аммо қўнғилини хи-жил қиладиган жиҳат шуки, улар-нинг кўпчилиги эришган ютуқлар, актёрлик маҳоратининг ўзига хос аъёналарини давом эттирувчи-лар қамийиб кетаётганлигини таъ-қидлаб ўшақ мулобага қилмаган бўламиз...

Ҳидоят ПАРДАЕВ,

нафақазор.

ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу муаллифимизнинг юқорида баён этган танқидий мулоҳазаларида жон бор, албатта. Ҳозир бошқа соҳалар қанчалик санъатнинг кенжа тури — кино ҳам жадал ривожланиш босқичида. Ютуқлар мавзуд. Шунинг борабарида миллий менталитетимиз, халкимизнинг асрий қадриятларига мос тўшмайдиган сохталарни кўзга ташланмоқдаки, айни келарда уларни бартараф эттишнинг фурсати етди дейишга ҳақимиз. Зотан, оқилона иш тўтилганина дилда қийнатлар ижобат топади. Муаммолар эса ўз ечимини қутиб ётавермайдими.

Муффа олам

ЯНА ГАПИРУВЧИ
АХЛАТҚУТИЛАР
ҲАҚИДА

Уэльснинг шарқий қисмида жойлашган Рексхем шаҳри кўчаларида гапирувчи ахлатқутилар мавжудлиги ҳақида аввал ҳам хабар бергандик. Бу қутилар «Тозаликни сақлаганингниг учун шаҳар шўриси номидан сизга ташаккур деб ахлат олиб келганларга миннатдорчилик билдирибгина қолмасдан, эндиликда кўпгина фирма эгаларининг ўз маҳсулотларини реклама қилишида ҳам муҳим воситага айланган.

Ҳозиргача икки юздан ортиқ фирма маҳсулотлари ойнаи жаҳонда эмас, балки шу қутиларга ёпиштирилиб реклама қилинди. Чунки қутилар гапира олиши билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Турли фирма эгалари бу имкониятдан унумли фойдаланишмоқда, дейилади Булгориянинг «Орбита» ҳафталигида.

ОММАВИЙЛАШГАН
МАҲСУЛОТ

Францияда сўров усули билан ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, мамлакатда энг оммавийлашган маҳсулот бу филателия билан шуғулланиш экан.

Ўлкада мингдан ортиқ клубга бирлашган 4 миллион коллекциячи расмий рўйхатдан ўтказилган. Польшанинг «Дзенник людюви» рўзномасининг хабарига кўра, бу тадқиқот турли хил маркаларни тўплаш «эркаклар иши» деган эски ақидани ҳам чиппакача чиқарган. Чунки филателиячиларнинг қирқ фоизини фақат аёллар ташкил қиларкан.

ВАГОННИНГ
ХЎЖАЙИНИ
КИМ?

Джос-Лагос темирйўл экспрессининг йўловчилари поезд Нигер штатидаги Табу станциясида тўхтаб турганда тоза ҳаводан нафас олиш учун вагон ойналарини очишлари биланоқ купе-лардан ўқдай отилиб чиқа бошладилар. Бу шошқалоқликнинг сабаби бор эди. Темирйўл составига минглаб ғазаланган асарилар ҳужум қилган эди. Вагон ичига кириб олган бу ҳашаротлар аямасдан ҳамма-ни чақарди.

Бу воқеани асарлари чақишдан юз-кўллари шишиб, дўмбира бўлиб кетган бир киши «Геральд» газетиси муҳбирига хикоя қилиб берган.

Охири. Боши газета-
нинг ўтган сонларида.

Муҳаммад Чурога додхоннинг йўғон овози барчани сергаклантирди.

— Тўхтангиз!!! Жаҳл келганда ақл кетаду! Шайтонга ҳай берингизлар! Подшоҳзода жаноблари! Сизни танимай турибмен!.. Лоҳавла вала қуввата! Амирзодам, агар бу гап Амир соҳибқирон қулоқларига етса нима бўлади? Ҳеч оқибатини ўйладингизму?.. Жаноби амирлар! Нега қараб турибсизлар? Уларни тез ажратингиз! Ёки ҳаммамиз подшоҳзода билан амирзодани бир-бирига уриштириб томошасини кўрдилар, деган маломатга қолиб ўлтирайликму? Худо пошшо эгам, деганлар!..

Шайх Нуриддин баҳодир шитоб Умаршайх Мирзо олдини тўсди, Муҳаммад Мирак Тўхтамиш ўғлонга ўзини қалқон қилди. Қолганлар ҳам ҳай-ҳайлашиб ўртага тушдилар ва амирзода билан подшоҳзодани ажратиб қўйдилар. Зиёфат ҳам заҳарга айланди...

— Майли, ҳисоб-китоб кейинга қолди... Ҳисоб-китоб қиламен ҳали сен билан! Ҳали сен билан якка-ёлғиз кўришажакмен, подшоҳзодам! Эсингдан асло чиқарма! — зугум билан деди аламини ичига қолган Умаршайх Мирзо. Шундай дер экан, амирзода пайт топиб бу ҳақда соҳибқиронга мурожаат қилишни кўнглига тугди.

Тўхтамиш ўғлон бир ҳўмрайиб қараб қўйди-ю индамади...

Боғи Нақши жаҳондаги нохуш ҳодиса Амир Темур ўйларини тагин чигаллаштирди. Демак, Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари унча хушламайдилар... Бунга, албатта, унинг тутуми сабабчи... Лекин Дашти Қипчоқ томонларни тинчитмак керак, бу нарса салтанат учун бағоят зарур... Шу маънода, ҳўш, Тўхтамиш ўғлонга умид боғлаб тўғри қилаётирму, йўқми?.. Мушкул жойи шундаки, соҳибқирон Тўхтамиш ўғлон ҳақидаги ўйларини бировга айта олмайди, айтишга уялади ҳам. Ахир сарой аёллари олдида уни ўғлимга ўхшайди, ўғлим деб, кўларига кўтариб, мартабасини осмон-фалакка қўтариб қўйди-ку! Жўжи улуси, Дашти Қипчоқ томонлар ташвишини бартараф этиш мақсадида сопини ўзидан чиқариб, Тўхтамиш ўғлонни ўзининг одамига айлантирмоқчи. Лекин сопининг ноброғини танлаб қўйибди шекилли... Не-не уринишлар, саяй ҳаракатлар, лашкарлар, мол-мулклар, умидлар, илинжлар, ниятлар бамисли кумга сепилган сувдек зое кетди...

Умаршайх Мирзониинг тортинганча бор. Наҳотки унда ҳарбий салоҳият йўқ, лашкар бошқарш лаёқатиға эга эмас?.. Чингизхон авлоди-ку ахир! Наҳотки, у қўлидан ҳеч иш келмайдурғон подшоҳзодалардан бўлса? Амир Темур бу кетган молу мулк, саяй ҳаракатларга эмас, қадрига қуонадир, қадрига! Умидларига, орзуларига ачинадир. Унинг тутинган ўғли маъракаи майдондан фақат қочишни ўзига касб этиб олган, деган дашномлардан изо тортадир ҳолос!

Ёки... Тўхтамиш ўғлон хизматларидан воз кечиб қўяқолсинму?.. Эҳтимол, ҳеч рўёбга чиқмайдурғон ишга уриниб ётгондир?.. Осмондаги юлдузни нарвонсиз олмоқчи бўлаётгондир?.. Ундай бўлса, Амир соҳибқирон, сизга ҳазор уят, ҳазор уят!.. «Аттанг!» дея манглайингизга бир урингиз-да, эс-хушингизни ўнглаб олингиз! Умид узиб, чингизий подшоҳзоданиннг жавобини бериб юборингиз!

Шундай ёқимсиз хаёлларга фарқ, руҳи тушиброқ турганда Ўрун Темурнинг унинг қошига келаётгани ҳақида хабар етди. Бироқ Тўхтамиш ўғлон амирининг келишидан олдин кутилмаганда гаройиб ҳодиса рўй берди-ю соҳибқирон хаёлларини тум-тарақай этиб юборди:

— Амир соҳибқирон!.. Амир соҳибқирон!.. Хушхабар... — деди Муҳаммад Чурога додхон билан дарвозадан ҳаллослаб кириб келган Ахий Жаббор баҳодир

ўзини Амир Темур пойига отаркан...

Изма-из Амир Жокү барлос, Амир Довуд дуглат ва девон котиби Давлатшоҳ баҳиш уйғурлар ҳам ташриф буюрдилар. Хаворанг шийпон атрофи аста-секин одамга тўла бошлади.

«Илоё, хушхабаридан берсун!..» деб қўйди ичида Амир Темур... Жаҳонгир Мирзониинг ўнбоҳиси ҳажонингиз зўрдан гапира олмасди. Барча қандайдир саросимада унга қаради.

— Ўзингни бос, баҳодир! Ўрнингдан тур! — тинчлантирди Амир Темур. — Сўйла, не хушхабар экан?

Ахий Жаббор баҳодир Амир Темурни фавқуллода меҳр билан ҳурмат қилар, агар жонингни бер, деса шу лаҳза беришга тайёр эди. Қувончдан йиғлаб юборган баҳодир ўрнидан турди-да, апил-тапил кўз ёшларини артиб, таъзимда орқасига тисарилди:

— Суюнчи берсунлар!.. Суюнчи берсунлар, Амир соҳибқирон!.. Пошшолик

ўтганди. Ўрун Темур Сигноқда сабр-тоқат этагидан тутиб оғирликка чидаб яшади, кўнгли пинҳона соҳибқирон томонга талпинар эди, чунки қўрилган кўп илтифотлар ҳумориси тутарди. Ниҳоят қочишга фурсат топди. Тўхтамиш ўғлондан кейин кўп ўтмай у ҳам салтанат остонасига бош уриб келди.

Кайфи чоғ соҳибқироннинг кўнгли яна ҳам ёришиб кетди. Бу йирик гавдали, кўсанамо, садоқатли, тўғрисиўз амирни биринчи кўргандаёқ унинг ҳалол одам эканлигига амин бўлганди. Қани, ундан душман томондаги вазиятни яхшироқ билиб олсин-чи, шунга қараб фикр қилсин-чи, худо бир йўлга бошқарар...

— Ҳозир Жўжи улуси Темур Маликхон тасарруфидадур, — деди соҳибқирон одатий ҳол-аҳвол суралгандан кейин. — Хоннинг ҳолу авзои нечук?..

Ўрун Темур даставвал соҳибқиронни ўғил билан муборакбод этди. Кейин бундай деди:

— Тўхтамиш ўғлон энгилан кочиб келгандан сўнг Темур Маликхон гурурга берилиб ўзини жуда қўйиб юборди...

— Ўрун Темур жилмайди.

— Ҳоконнинг кенжаси-да... Дунё билан иши бўлмай қолди... Каттиқ айш-ишратга берилгон. Кечаю кундуз шароб ичиш

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУФ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ
ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

осмонида бир ёруғ юлдуз чарақлаб жамол кўргизмиш! Муборак юзлик фарзанд гайб пардасидан ошкор бўлмиш!... Салтанат сандигидаги дуру гавҳарларга яна бир дури бемаҳво қўшилмиш!.. Жумла-жаҳонга маълуму машҳур бўлсиним, муҳтарам Билқиси замон Тағой Туркон оқа ҳазрати олийларига бир ўғил тухфа этмишлар!..

Бу чиндан ҳам ажойиб мужда эди.

— Ўғил муборак бўлсун, Амир соҳибқирон!

— Шавкатларига шавкат қўшилибдир!..

— Илоё, умри билан берган бўлсун, ҳазратим!..

Ана шундай қутлов овозлари ҳаворанг шийпондан бутун боққа тараларди.

Халлоки беэаволга салламо! Ҳаммаси яхшилиқ аломатидур!

— Худо ўғил ато этибдур. Жаҳонгир Мирзо ўрнига ўғил!.. Аллоҳга шукр!.. — деди қувонгандан амирларга қараб соҳибқирон. — Кўрдингизму, жаноблар! Шохнинг руҳи тушиб турганда унга қувват бўлай деб дунёга келган ўғил!..

— Офарин! Офарин!

— Кутлуг бўлсун! Кутлуг бўлсун!

— Бонуйи Кўбро Кутлуг Туркон оқа эгани жаноби олиялар, Амир соҳибқирон шарафли ўғил исмини қўйиб берсунлар, деб ўтиндилар... — деди Ахий Жаббор баҳодир.

Амир Темур ҳам худди шу ҳақда ўйлаб бошлаганди. Аслида, буни кўпдан ўйлаб келарди-ку.

— Шохруҳ бўлсун! Шохруҳ Мирзо! Руҳи ҳамиша шохлар сингари сарбаланд бўлсун! — хитоб қилди Амир Темур мамнун ва Мавлоно Убайдаг ўғирилди. — Тарих дафтарига битиб қўйингизким, Шохруҳ Мирзо ҳижрий 779 йил рабиус-соинийнинг ўн тўртида²⁰ дунёга келмишдир!

“Шохруҳ Мирзо униб-ўссин!”, “Ота ўғли бўлсун!..”, “Пахлавон бўлсун!..” қабилда тилақлар янгради.

— Суюнчисини ол, баҳодир!

Соҳибқирон ёнидан ақча тўла халтача чиқариб Ахий Жаббор баҳодирга ташлади. Шошилиб қолган Ахий Жаббор халтачини ила олмай тушириб юборди. Диорларнинг бир қисми шийпон атрофига ташланган гиламга сочилиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир уларни теришга тушди...

Кутловлар тумайи, боғнинг дарвозасида Ўрун Темур кўринди.

Тўхтамиш ўғлон биринчи марта соҳибқиронга ташриф буюрганида унинг ҳамроҳлари ичида ўзининг қўрқмаслиги билан донг таратган амир Ўрун Темур ҳам бор эди. Беомон жанг майдонида Қозончи баҳодир уни отнинг тағида йиқилиб қолганидан фойдаланиб асир олди ва Ўрухсон ҳузурига келтирди. Ўшанда Ўрухсон унинг гуноҳидан

билан банддур. Чошгоҳгача ухлаб ётадир, дунёни сув босиб кетган бўлса-ю сув хон ётгон ёрга қиришга оз қолган бўлса ҳам унга биров айтиб уйқусини бузишга журъат еттолмайди. Салтанат ишлари ўлда-жўлда... Юрту эл ундан батамом умидини узиб қўйган. Жўжи улусида, Тўхтамиш ўғлон ундан юз чандон яхшироқ, Тўхтамиш ўғлон келсун, дерлар, Тўхтамиш ўғлонни тиларлар...

Амир Темур эшитиб ўйланиб қолди... Чиндан ҳам, қайси ҳукмдор салтанат низомига риоя қилмаса, ёлғиз ўз жони ҳузурини ўйласа, мамлакат биноси дарз кетмоғи аёнидир. Соҳибқирон шу палла давлати қўлидан кетиб хор-зор бўлган подшоҳлардан бири ҳақида эшитган нақлини эслади. “Салтанатингиз завол топишига нималар сабаб бўлди?” — сўрабдилар подшоҳдан. “Хар кунни оқшомда шароб ичиш билан банд бўлардим, — дебди подшо. — Май дарё бўлиб оқарди... Тунда айшу ишрат этагидан маҳкам тутардим, ҳуриликлар билан базм айлал чикар эрдим. Куннинг биринчи ярмини, табиийки, хороб-чарчаб маст уйқуда ўтказардим... Оқибатда салтанат беҳарорликка дучор бўлди, давлатим либоси чок-чокидан сўкилиб кетди...”

Ўрун Темурнинг сўзлари ҳали хануз қайси йўлни тутмоқ мақбул экан, Тўхтамиш ўғлонни қўйиб, ўзи Дашти Қипчоққа отлансинми, дея иккиланиб турган соҳибқироннинг, зудлик билан вазиятни ўнглаш лозим, деган фикрини яна ҳам қатъийлаштирди.

Амир Темур Темур Маликхоннинг давлат ишларига қарамай айш-ишратга берилиб кетганлигини эшитгандаёқ, фавқуллода идрок билан толе Темур Маликхондан юз ўғирганлигини фахмлади. Ҳа, Тўхтамиш ўғлоннинг бахтиёр соатлари энди келибди! Подшоҳзода ўғли энди Жўжи улуси тахтига минадир! Тўрт марта жангда мағлуб бўлган бўлса ҳам, бешинчисида албатта салтанат тожини бошига қиядир! Бу офтоб чиқиси янглиғ муқарар нарса! Чунки Темур Маликхоннинг тез кунда давлати қўлидан кетган подшоҳ ҳолига тушмоғига шубҳа йўқ! Унинг аҳволи шундан далолат бериб турибди.

Хумон ўрдадан, зудлик билан черик йиғилсун, Тўхтамиш ўғлон иззату икромларга сазовор этилсун, Амир Довуд дуглат бошлиқ Амир Ўрун Темур, Муҳаммадбек ибн Мусо, Фёисдин тархон, Муҳаммад Миракларни кўп лашкар билан Сигноққа юборилсун, Тўхтамиш ўғлонни тахтга ўтқазиб қайтсунлар, деган фармон бўлди. Соҳибқирон бу сафар Тўхтамиш ўғлоннинг Оқ Ўрда тахтига министиға асло шубҳа қилмасди, чунки Дашти Қипчоқда ҳозир унга бас кела оладиган куч йўқлиги равшан бўлиб қолганди.

Одамзот камоли меҳрининг маҳсули муҳаббат тинимсоли бўлиб дунёга келади. Заифгина жон, жажжигина вужуд она деб аталмиш мунис бир халоскорининг ҳимоясида қуёш янглиғ ҳарорати бағрида, беҳавотир панох топади. Меҳр тафти ила исиниб йўрғакланиб, яхилларининг ардоғида кучли қўлларга сўяниб қад ростлайди. Чексиз ва мислсиз, беимнат илиқ саховатдан тафти олиб, ҳарорат туйиб, камолга етади. Шу тариқа комил инсон даражасига кўтарилади.

Инсон, севгисиз, фарзандсиз яшайи мумкин. Бу ёруғ оламни кўриш бахтидан мосуво бўлиб ёки оёқ-қўли ишламай ногирон бўлиб яшайи мумкин. Бироқ, меҳрсиз яшай олмайди. Чунки шу кўргуликларнинг орқасида эртанги кунга умид уйғотиб, меҳр шуъласи нур таратиб тургани боис ҳам, одамзот ҳар бир ўтган кунига шукроналар айтиб яшайверади. Турги, жони азобда, балки юраги доимо қийноқдадир, лекин уни оҳанграбоддай ўзига чорлаб турувчи меҳр ёлқини яшашга, яшаганда ҳам мазмунли ҳаёт кечиршига чорлайверади. Чунки меҳр, кўнгилнинг нурафшон чорбоғи ҳисобланади. Унда ҳарорат, муҳаббат, орзу ва умид, ширин ҳаёллар муҳассам.

Инсон доимо юрагига сўяниб яшар экан, ён-атрофдагиларнинг, яхилларининг қулиб турган чехраси, мулоим порлаб турган кўзлари, асосийси эса, бир чимдим меҳри ва ширин сўзи эртанги кунга бўлган ишончини, яшашга бўлган иштиёқни янада мустаҳкамлайверади.

Кўш қанотинг, ота-онанг эса, улкан бир тоғ каби қаддини тутиб беради — яша, яша болажоним, бахтиёр, масрур яшашга ҳақинг бор, ҳар қандай шодлиғи ғамингга мен тенг шерикман, — дея сўяч бўлади.

Мабодо меҳр туйғуларни бўлмаганда одамзот бу ҳаётнинг минг битта азоби-ю макр-ҳийласига, айрилиш қисматида қайиш олмасди. Ҳаётдан меҳрсизлик туйғули туйиб, безиб, ёш жонини ва норасида гўдагини ўлимга маҳкум қилган ёшгина аёлнинг аянгли қисмати баъзан кўз ўнгимга келади-ю вужудим сесканиб кетади.

Насиба, бу дунёда бахтли яшашга, ҳаёт лаззатидан ҳузурланишга ҳақли эди. Аммо, тинмай ичиб ўз кайфи сафосини ўйлайдиган масъулиятсиз эр, туну кун тилидан заҳар томиб, зугум ўлжадиган бемехр, бойвачча қайнона унинг гўлдек ҳаётига осмон бўлди. Ёшлугидан ота-она меҳрига зор бўлиб етимхонада ўсган содадил қиз, ҳашаматли бу уйда бир чимдим меҳр, бир оғиз ширин сўзнинг гадоси бўлиб яшарди. Катта хонадон ичра ёлғиз ва кимсасиз сезарди ўзини.

Бой-бадавлат хонадондан келин олишини, ўз тенги билан қуда бўлишини истаган ва орзуси пучга чиққан қайнона эса эркатой, арзада ўғли шу қизни яхши қўриб ўйлангани учун ҳам Насибани ёқтирмас, уни бир хизматкор, чўри ўрнида кўрарди. Жарақ-жарақ пуллар, маишатга ўрганган ўғил эса, тўйдан сўнг парчи-пайкариг, гўзаллигидан деб олган хотинидан бир зумда совиб кетди. Аслида эса, унинг юрагиди муҳаббат эмас, шунчаки ҳавас ёлқини, ҳирс туйғуси маъж урган. Тўйдан сўнг эса, Насиба унинг кўзига кўримсиз, хунук қўринди. Онаси айтганидек не не санамлар унинг бир имосига зор, кўзлари йўлларига интизор эди. Зеб-зийнатга ўралган бойвучча қизлар унинг тенги эди. Насиба-чи? Унинг на амали, на пули бор. Фақатгина севгисиз бор эди, осмондек бегубор, орзулари бир жаҳон эди, қалби бор эди билурдек тоза...

Меҳрга зор қалби Шўхратнинг ширин сўзларига маҳтал эди. Келажакда эри унга бир қалқон, бир тилсиму ҳар қандай эзорлардан асровчи сехрли бир тумор бўлишини истарди... Орадан азобли бир йил ўтиб, у она бўлди. — Шўхрат ака, ойижон, ўғлимнинг исмини Бахтинур қўяйлик, — дея илтижо билан боқди. Қайнона лаб бурди, ўғил эса елка қисди, билганингни қил

дегандек.

Ҳаётим изга тушади, энди яхши яшайман, фарзандимиз бор-ку. У қанотим, наҳотим, нурли кўнларим дебонаси бўлади, деи умид, илинж ила тонларни оттирарди. Аммо ҳеч нарса ўзгармади. Қундузлари умуман уйда бўлмайдиган эри ярим кечаси зўрга гандираклаб келар ва улаб қолар, ичмаган кўнлари эса онасининг гапига қириб қилдан қийик ахтариб хотинини ураб, ус-тидан қулиб мазак қилар ва азобларди. Шўрлик Насиба эса кўзлари кўккарган, сочлари тўзиган бир алфозда боласини бағрига олиб йиғлаб тонларни кутарди.

Борай деса уйи, кўнгил ёзай деса бир меҳрибони йўқ бу аёл кундан-кун сўлиб, сарғайиб борарди.

— Шўнқалик ҳам безбет бўласанми, қачон бу уйни тарк этасан, сен бизнинг тенгимиз эмассан, тугиб олдим, бу уй меники деб ўйласанг хато қиласан. Негатўшунмайсан, қазо-казо тенгу тўшларим ичиди аяламан, ҳатто наслу насабинг ҳам, кимнинг фарзанди эканлигинг ҳам номаълум. Балки отанг ўғри, онанг ароқхўр, фоҳиша бўлгани учун ҳам етимхонада ўсгандирсан. Душманларим қўл учиди кўрса-



Шўхрат тоғраҳаларида

МЕҲРСИЗЛИК ЖАРОҲАТИ

тишмоқда. Менинг ҳам ўз орзу-умидларим бор эди. Аммо тентак ўғлим, оёқ тираб шунга уйланмасам, уйдан бош олиб кетаман деганига ноилоҳ қўндим. Кетиб бу уйдан, хоҳласан бола-ни ҳам ташлаб кет, ўзим катта қиламан, фақат қорангни кўрсатмасанг бўлгани, — дея айю-ҳаннос солди қайнона ўша машъум кун.

— Ойижон, ундай деманг, қаерга кетаман? Ахир айбим нима? Невазаринида нима гуноҳ. Хизматингизни қилай, дардингизни олай ойижон! Мени ҳайдаманг, ўғлингизни яхши кўраман, лекин бўйинларига осилиб тегиб олмай-ку? Ўзлари ҳоли-жонимга қўймай яхши қўриб ўйландиларку? Энди эса нималар бўляпти, тушуна олмайман. Менинг гуноҳим етимхонада ўсганимми? Хеч кимим йўқлигимми? Пул-сизлигимми? Наҳотки шулар бахтга кирса ойижон? Тўрро бойлигим йўқ, мансабдор ота-онам йўқ. Бироқ Худо берган ақлим, ҳусним, кучим борку? Бахт бойликдими? Мен етим ўсдим, ўғлим БАХТИНУРГА у кўнларни раво кўргум йўқ, асло. Шўхрат акам, бир кун кўзлари очилиб, айбларини тўшунар...

Насибанинг эзиллиб йиғлаб айтган гаплари бўзиди қолди. Тасодифан ўзига тушган қучли тарсаки зарбидан гандираклаб кетди. Қаддини ростлаб қараганда эса, эри Шўхрат ўқдек отилиб келиб уни тепкилай бошлади.

— Ҳали менинг кўзларим юмукми? Ҳали сен ақили-ю мен аҳмоқ бўлиб қолдимми, таги наст... Шўхрат бисотидаги эри "ширин" сўзлар билан уни сийлагандан сўнг дарвозани бир тепди-ю кўчага чиқиб кетди.

Шўрлик Насиба ёш тўла кўзлари ила, уларнинг уриш-жанжалани ҳиссизгина қўриб, эшитиб турган қайнонасига умид билан, илинж нигоҳлари ила умидвор боқди. Бир оғиз ширин сўз эшитиш илинжиди, бир таскин топмоқ ис-

тагида. Лекин қайнонасининг заҳарханда, совуқ қарашлари уни янаам забун ва танг аҳволга солиб қўйди. Кўзларидан оқётган алам ва ҳурлик ёшлари юзларини юварди. Унинг кўнгли бўзларди. Шундай қисматни раво кўрган тақдирга лаънатлар айтди. Умрида бирин марта кўрмаган ва доимо кўришни истаган ота-онасини илк бор қаради.

Муҳаббатнинг нафратта, интизорликнинг ўч, қасос алангасига айланган чоғи эди, бу қора кун. Нафрат, ҳурлик, уқбатга маҳкум этилган ҳислар алангасида ночор ингради, бир панох топа олмай йиғлади. Ушшаманган пок тилаклар, пучга чиққан умидлар, чил-парчин бўлган ишонч, эъзоз тополмаган, иззат кўрмаган соф туйғулар, изтироблар, қайғулар, ўқич ва маломат тошлари уни адоий тамом қилди. Совуқ сўзлар, қаҳрли нигоҳлар тигидан қўси тилка-пора бўлган, ҳароратта, муҳаббатга зор қалби соғинчлар бағридан воз кечиб музга, музлар эса улкан яхлит бир тошга айланди. У ҳимоясиз, ночор эди. Нозиккина вужуди қилларгадир илтижо қилди, талпинди, нималаргадир муҳтож сезди ўзини. Танҳоликдан бағри қақшади.

Тун зулмати атрофни ўраб олган чоғ, пишиллаб улаб ётган ўғлини қўчоғига олди-ю, уйдан уч кўча нарида тўлқинланиб оқётган сойга ўзини ташлади...

Эртасигаёқ шишиб кетган танаси сув юзига қалқиб чиқди. Олти ойлик беозор Бахтинур эса топилмади. Қора қийиб аза тутган қайнона қайин оплар кўзларини ерга тикиб олгандилар. Бошини чангаллаб олган Шўхрат эса элнинг юзига қарай олмади. Пул топиш илинжиди шаҳарма-шаҳар юрадиган тижоратчи қайнона саросима ва ваҳимада эди. Улар қонун олдида жавоб беришди...

Аммо виждонлари тирналиб, қонадимкан? Унинг гуноҳи нима эди, деб диллари вайрон бўлдимикан? Ёки пул кўзларини кўр қилганидек, кир кўнгиллари ҳам қирлиғича қолдики?

Насибанинг нурга чайилган тоза тилакларининг уволли кимни тутадиган? Наҳотсиз чирқираб, қайнона бошлана топа олмай бекафан бўлаб кетган норасида Бахтинурнинг барбод бўлган ҳаёти учун ким жавоб беради, ким? Майпараст, маишатбоз тутуриқсиз отами? Худбин, молпараст, пулпараст бемехр онами?

Насиба! Қани сен топинганинг муқаддас саждагоҳ? Озгина садоқатни, савимий меҳрини қизганган кўзлари басир хилкат. Бу инсон эмасми? Меҳр истидиган, қўрагининг хорлиғу зорлик, ўқичу озор, топинган эса соғинчу интизорлик бўлди. Бир таскин, бир юпанч, миллилаган заррадек учқунни кута-кута толиқдинг-ми? Хориған кўзларинг ноҳақлиқни адолат мезони ила ўлчай-ўлчай толдими? Негатўшунмай йўлини танладинг?

Атрофидида ёниб турган ЁНАҚУРТУЛАРГА сизини, исинмоққа ўзингни маҳкум этолмадинг-ми?

О, инсон, нечун баъзан буналар худди бўласан? Заррагина меҳрингни дариг тутасан? Наҳотки, меҳргина яшашга иштиёқ уйғотишини билмасанг. Агар озгина саховатингни, ширин қаломингни аямаганингда, ҳаёт янада гўзал ва сехрли бўлармиди.

Миллилаб ёниб турган шуъла, яшашга ундаб турувчи шифобахш чашма, жонни жонга улаган ришта, умрга мазмун берувчи, беимнат нур таратувчи, эзгуликка, саодатга элтувчи равон йўл, қалбнинг эъзозлаган ғавҳари, одамзот талпинган, сунган жону жаҳонда эъзозлаб сийлагани, беимнат туйғу МЕҲР ЁЛҚИНИ инсонларни ҳеч қачон тарк айлама!!

Йўқса меҳрсизлик, манманлик каби кўргуликдан, зарардан улкан тоққача парча-парча бўлиб кетади. Булутлар сесканиб, замин чирпирак бўлиб айланади. Она табиат инсоннинг бу қилмишларидан қулоқларини гаранг, қўзларини кўр қилиб олади. Меҳрсизликнинг жароҳати эса ҳеч қачон битмайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Шарқ дурдоналари



● Барча каттаю кичикка, хоҳ у дўст бўлсин, хоҳи душман, Шайх Саъдий айтганидек яхшилик қилинг.

Байт:

Олтин-кумуш эҳсон қил ҳар яхшию ёмонга, Бир саов бўлса, Бир тўзқо зийнага.

● Яхшилик — яхши ном келтирувчи, қарам ва саховат эса кишини бахтиёр қилгучидир.

● Тани соғлиқ — туман бойлик.

● Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймади, чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.

● Соғлиқ — олтидан қиммат.

● Бахт, энг аввало соғлиқ демакдир.

● Саломатлиқни сақлаш ҳамда турли хил касалликларнинг олдини олишда бадавлат ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

● Соғлом одам табиатнинг энг баҳоли асаридир.

РИВОЯТ. Бир подшоҳ қабзиятга йўлиқиб, таҳорат олишга жуда қийналибди. "Ким мени бу касалликдан қутқарса, салтанатимни ўшага бераман", дер экан. Бу сўзини эшитган Оллоҳнинг севимли қўлларидан бири подшоҳ олдиға келиб, унинг қорнини силабди, подшоҳ шифо топибди. Подшоҳ: "Бу тахтга ўтир, бутун салтанатим сенга", дебди.

У одам: "Йўқ, сен ўз макомингда ўтир, фақат унинг қийматини, ҳаддини бил. Бу дунёнинг зарра қадар қиймати йўқ. Бир кўза сув каби тугайди. Агар уни ича олсанг, саломатлигингни берасан, ичиб чиқара олмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир кўза сув қабидир", деб айтибди.

Байт:

Сихат тиласанг кўп ема,

Иззат тиласанг кўп дема.

● Хасис одам ҳатто ўзи учун зарур бўлган неъматларга ҳам зикқалик қилади.

● Хасислик ва гаразгўйлик кишилардан энг муқаддас туйғулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликни ҳам тортиб олади.

● Хасислик қалбни қурилади.

● Хасислик қанча кучли бўлса, раҳм-шафқат шунча кучсиздир.

● Одамларнинг олижаноби ўзига нисбатан одамларда муҳаббат уйғотишга уринувчи, одамларнинг баҳили эса ўзига нисбатан дўстларда нафрат туддирувчи кишидир.

● Бахиллик бир тикан, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

● Эй оқил, ҳасад ва бахиллик қўчасидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз. Зеро, ҳасад ва рашқдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча, эл орасида ҳору зор бўлиб, эътибордан четда қолган.

● Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Байт:

Сахий дема саховатига Бирор талаб қўйса гар одам.

Сахийликмас, бу очқўз, бахиллик Бунда йўқдур шараф ва қарам.

Сахифа материалларини Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Тўғлар оламида

ЧИМЁН ЛОЛАСИ

Шоирлар лолани ёқут пие́ла, қуёшининг бир парчаси, ёниб турган юрак каби сифатлар билан фойдаландилар. Пиёзбошлар оиласига мансуб қўп йиллик хушманзара ўсимлик бўлмиш лола пойтахт вилоятимизнинг Чотқол тизмасида, Оқбўлоқ ва Чимён тоғларида, қоя тошлар ва шағалли ёнбағирларда якка-якка ва кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади.

Лоланинг гуллари қизил, баъзан сариқ бўлади. Апрель ойида лолалар қийғос гуллайди, июнь ойининг бошларида уруғидан пишади. Баҳор кўнлари лола сайлига қиқ-қанда лолани териш мумкин, лекин уни илдиэ пояси билан юлиб олмаслик керак. Лола илдиэ пояси қолдирилса, у янаги йилда яна очилади ва ҳар биримизнинг бахри ди-

лимизни яйратади.

ТОҒЛАР ҲУСНИ

Гули зардак деган айтиқтовондошлар оиласига мансуб қўл бор. У Ўзбекистонда фақат пойтахт вилоятимизнинг Сўқоқсой, Бошқизилсой, Қизил Нура, Қизил олма ва Қурама тоғларининг юқори қисмларидагина ўсади. Гули зардакнинг бўйи 20-25 сантиметр бўлиб, қўп йиллик ўт ҳисобланади. Барглари қояда кетма-кет жойлашган, панжасимон. Гуллари нафис тўқ сариқ рангда бўлиб, жуда чиройли манзара беради. Бу нодир гул 40 минг донагача сақланиб қолган бўлиб Чотқол тоғ-ормон қўриқхонасида муҳофаза қилинмоқда. Саёҳатда бўлганингизда гули зардакни қўриб завқ олинг, лекин олиб нобуд қилманг, улар тоғларимизга ҳусн бериб турсин.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

□ Кимки чинорлар музейи бор деса ишонаверинг. У Ургут туманидаги Чорчинор мавзеида ташкил этилган. Унда 44 та энг кекса чинорлардан 8 таси минг ёшга кирганили қайд этилган. Бу музей ҳозирча мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

□ Мамлакатимизда ўсимликлар ичида энг узун илдизли чўл янтоғи бўлиб, у 30 метргача томир отади.

□ Эрта баҳордан кеч кузгача серкуёш Ўзбекистонимизда ширин-шакар мевалар бирин-кетин пишади. Шу меваларнинг ичида энг кеч пишадигани анордир. Унинг қирмизи, рангпар, дурдона каби 40 дан зиёд турлари бор. Аччиқ донга, ширин донга, қоқоки каби турлари энг аёло навлари ҳисобланади.

□ Қизилқум, Қарши чўлларида яшовчи қалтақесакларнинг энг йирити эчкиэмардир. Унинг узунлиги 1,5 метрга етади.

□ Ўзбекистоннинг Шўрчи туманидаги сариқ тупроқли сугориладиган ерларда иссиқлик ҳарорати 79 даражага етади.

Спорт

ТАЙЁРГАРЛИК
ҚИЗГИН
ПАЛЛАДА

Маълумки, 17 августда Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида 2006 йили Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иккинчи саралаш босқичининг гуруҳдаги сўнги ва ҳал қилувчи ўйини — Ўзбекистон ва Кувайт терма жамоалари ўртасида баҳс бўлиб ўтади.

Агарда унда терма жамоамиз галаба қозонадиган бўлса, ҳамюртларимизнинг оламшумул футбол турнирида қатнашиш имкониятлари ошади.

Хозирда эса Қибрайдаги ўқув-машгулотлар базасида терма жамоамиз ўшбу ўйинга тайёргарлик юзасидан ўқув-машқ йиғинларини бошлаб юборган. Албатта, мураббийлар унга имкон қадар бугунги кундаги энг кучли чарм тўп усталарини жалб этишга ҳаракат қилишган. Хусусан, терма жамоамиз таркибидан Игнатий Нестеров, Бахтиёр Ашурматов, Алексей Николаев, Асрор Аликулов, Миржалол Қосимов, Сервер Жепаров, Темуэр Копадзе, Александр Гейнрих, Анвар Солиев каби етакчи футболчилар ўрин олган.

Шу билан бирга терма жамоа таркибидан Илҳом Сунонов, Камолддин Кенжаев, Азиз Хайдаров, Ярослав Крушельницкий каби янги футболчиларни ҳам қўришимиз мумкин.

Маъжур навбатдаги ўқув-машқ йиғинлари 21 июлга қадар давом этади. Сўнг энг кучлилар сараланиб, Россия чемпионатида тўп сураётган юрдошларимиз таркибга қўшилгани ҳолда тайёргарлик ишлари давом эттирилади.

ЁШЛАРИМИЗ
ЯХШИ
ҚАТНАШДИ

Сингапурда уч кун давомида триатлон бўйича Осиё очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Сузиш, югуриш ва велоспорт каби уч спорт турини ўз ичига олган чемпионат беллашувида Осиёнинг ўн бешга яқин терма жамоалари билан бир қаторда Янги Зеландия, Австралия ва Буюк Британия вакиллари ҳам галаба учун кураш олиб боришди.

Чемпионатда спортчиларнинг турли ёш тоифаларида ўз куч-маҳоратларини кўрсатишгани эътиборга лойиқдир. Жумладан, Евгений Алексеев, Иван Морозов ва Павел Растрингин каби умидли ёшларимизнинг юқори натижалари 19-23 ёшлилар гуруҳида юрдошларимизнинг фахрли 2-ўринни эгаллашлари учун замин яратди.

Триатлончиларимиз энди 29 июль-3 август кунлари Қозоғистонда бўлиб ўтадиган Осиё Кубоги мусобақаларида иштирок этишади.

(Ўз мухбиримиз)

1990 йилда Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидаги 48-сонли ўрта умумтаълим мактаби томонидан Каспалатова Татьяна Айтбаевна номига берилган ТР N 30 N 542049 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сабаби, мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси уч йилдан бери такрорлаб келаётган аънава чек қўйилди. Яъни пойтахтлик футболчилар биринчи даврани ҳар сафаргидек биринчи ўрин билан эмас, аксинча иккинчи ўринда яқунлашди. Бирок...

Очиги, ана шу «бирок»да катта маъно бор. Чунки, жорий йилги чемпионатнинг 13 та тури ҳам «Пахтакор»га осон кечгани йўқ. Аввало, Қаршида «Насаф» жамоаси «Пахтакор» билан кечган мurosасиди баҳсда меҳмонларни энгиб муҳим уч очкони қўлга киритган бўлса, Фарғонада «Нефтчи» ҳам тошкентликларга ҳеч қандай имконият қолдирмай 1:0 ҳисобида галаба қозонди ва чемпионни муҳим очколардан маҳрум этди. Биринчи давра учрашувларининг бундай кескин тус олиши, шиддатли кечиши албатта яхши. Демак, миллий биринчиликнинг савияси анча кўтарилганлиги аниқ. Насиб этса Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан миллионлар йўлини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар албатта самара беришига шак-шубҳа йўқ.

Келинг, газетхон, энди биринчи давра учрашувлари батафсилроқ тўхталсак. Чемпионатда ҳозирча «Насаф» жамоаси 32 очко билан пешқадам бўлиб турибди. Қаршиликлар шу кунгача бор-йўғи бир мартагина мағлубиятга учрашган, ўрта учрашувда галаба қозонишган, иккита беллашувда рақиблари билан мurosа йўлини танлашган.

Мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси ҳам яхши натижаларни қайд этган. Рақибларидан икки бор енгилган тошкентлик футболчилар ҳисобида битта дуранг ва ўн галаба бор. Дарвоқе, Агамуродов шогирдлари шу кунгача рақиблари дарвозасини 42 марта ишғол этиб, ўз дарвозалари тўрида бор-йўғи 8 марта тўп ўтказди.



Футбол

АНЪАНА БУЗИЛДИ, БИРОҚ
ҲАММАСИ ОЛДИНДА

Ниҳоят мамлакат XIV миллий чемпионатининг биринчи давраси якунига етди. Шунинг таъкидлаш жоизки, у мухлисларга қўтилмаган совғаларни тўхфа этди.

зиб юборганликлари жамоани ҳамон чемпионликка энг муносиб даввогар эканлигидан далолат беради. Шу кунгача ҳеч бир жамоанинг «Пахтакор» сингари энг кўп тўп кирита олмаганлиги терма жамоамиз асосини ташкил этувчи пахтакорчиларнинг имкониятлари юқори эканлигини аниқлатади.

Мутахассислару мухлислар башорат қилганидек, футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов бошчилигида майдонга тушайтган Муборакнинг «Машъал» жамоаси ҳам олий лигада совринли ўринлардан бирини эгаллаш ниятида эканлигини ҳеч қимдан яшираётгани йўқ. Шу кунгача саккиз галаба, бир дуранг ва тўрт мағлубият натижани қайд этган муборакликлар 25 очко билан учинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб туришибди.

Шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» ва «Трактор» жамоалари ҳақида сўз кетганда айтиш жоизки, ҳозирча Рустам Мирсодиқов бош мураббийлигидаги «Локомотив» жамоаси

аъзолари мухлисларини шод этишмоқда. Ўн уч учрашувдан 22 очко жамғарган темирйўлчилар тўртинчи поғонада боришмоқда. «Жорий йилги мавсумда албатта совриндор бўламиз», дея мухлисларини ишонтирган Абрамов бош мураббийлигидаги «Трактор» ҳозирча нотекис ўйин кўрсатмоқда. Қизиғи, олти учрашувни галаба билан якунлаган тракторчилар худди шунча баҳсда майдондан бош эгиб чиқиб кетишган. Ўйлаймизки,

ҳозирча тўққизинчи ўринда бораётган тракторчилар иккинчи даврада ишончли ўйнаб, юқори поғоналарга кўтарилиб оладилар ва мухлисларини шод этадилар.

Сўзимиз ниҳоясида «Пахтакор», «Локомотив», «Трактор» жамоаларининг пойтахт шарафини муносиб ҳимоя қилишларини тилаб қоламиз. Қуйида эътиборингизга биринчи давранан кейинги вазиятни ҳавола этамиз.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

1. «Насаф»	13	10	2	1	30-13	32
2. «Пахтакор»	13	10	1	2	42-8	31
3. «Машъал»	13	8	1	4	23-14	25
4. «Локомотив»	13	7	1	5	23-21	22
5. «Нефтчи»	13	7	0	6	24-12	21
6. «Қизилқум»	13	6	2	5	18-14	20
7. «Самарқанд-Д»	13	6	2	5	15-16	20
8. «Навбахор»	13	6	1	6	18-12	19
9. «Трактор»	13	6	1	6	20-22	19
10. «Тўпалан»	13	4	2	7	17-28	14
11. «Сўғдиёна»	13	4	2	7	7-27	14
12. «Бухоро»	13	4	0	9	17-31	12
13. «Металлург»	13	3	2	8	17-26	11
14. «Шўртан»	13	1	1	11	6-34	4

Мунажжим башорати

ХУРСАНД ҚИЛАДИГАН
ЯНГИЛИКЛАР КУНИ

15 ИЮЛЬ, ЖУМА

Эрталаб соат 10 дан кейин мунажжимлар Плутон ва Марс қувватларининг ўзаро ҳамоҳанг вектори туфайли муҳаббат ва спортда каттадан-катта омадлар ваъда қилишади. Шунингдек, металлурлар, жарроҳлар, криминалистер, ўт ўчирувчилар, қутқарувчилар, цирк артистлари ва каскадёрлар ҳамда фавқуллодда мураккаб вазиятларда ҳар лаҳзада масъулиятли қарорларни қабул қилишларида тўғри келадиغان барча кишиларнинг ҳам бугун омадлари юришади.

Шу билан бирга, бошқа бир мунажжим бугунги кун сароблар, алдовлар, хом ҳаёблар, адашишлар билан бир мунча нохушликлар туғдириши эҳтимолидан ҳам огоҳлантиришади. Ортиқча ва кераксиз нарсаларни ажратиб олиб, чиқариб ташлаш билан боғлиқ барча тадбирлар шу кунги фойдали бўлади. Жумладан, «кўз тегиши», киннадан ха-

лос бўлиш тавсия этилади.

Шу кунги меҳмондўстликни намоён этиш, дўстларни уйга таклиф қилиш ҳар томонлама фойдали бўлади. Янги танишувлар юз бериши, бир қарашдаги муҳаббат аланга олиши мумкин. Лекин ичкиликбозликка зўр бериш ман этилади.

Узоқ сафарларга йўл олишдан тийилиш, ўз уйингиз яқинида бўлиш тавсия этилади. Дармонсиз кишилар кўпроқ дам олиб, тўйиб ухлаб олганлари маъқул. Бугун, айниқса кечқурун табобат фойдали бўлади, биоэнергетик даволаш, йоғ ва жанговар санъатлар билан машғул бўлиш саломатлигингизни мустаҳкамлайди.

Яхшилик аломатлари бугун электр қуввати, чақмоқлар ва тонгги шафақлар билан боғлиқ бўлади. Лойга ботиш, қўтилмаган майда-чуйда ишларга ўралашиб қолиш, бировларга тобелик но-

хушликларга далолатдир. Умуман олганда, бугун аломатлари ирим-сиримларга эътибор қилмаганингиз маъқул.

Бу кеча қўриладиган тушлар, айниқса уларнинг ёрқин ва эса қоларилари башоратли бўлади.

Бугун пешоб йўллари заифлашган бўлади. Рухий ва асаб хасталиклари хуруж қилиши эҳтимоли бор.

Кийим-кечаклардан сариқ ва яшил ранглилари бугунги кун учун омадли ҳисобланади. Кулранг, қизил ва жигарранг тусли либосларни нарироқ суриб қўйинг.

БУГУН:

- ҳар қандай янги ишни бошлаш;
- ўзингизга ҳалақат бераётган нарсалардан аямақ бўлиш;
- спорт билан, оддий жисмоний меҳнат билан шўғулланиш;
- нохуш кайфият ва ички кечинмаларингизга эътибор қилмаслик;
- вазият тақозо этадиган бўлса куч ишлатиш, жанжал-можаролардан қочмаслик (чегарадан чиқиб кетмаган ҳолда) тавсия этилади.

Кимёвий тозаловчи ва ювувчи воситалар ва кимёвий дори-дармонларга нисбатан эҳтиётсиз бўлишдан сақланинг.

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлигиБош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВМанзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-29-09.Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2496 нускада босилади. Қўғиш бичими А-3Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563Нашрингизга берилмасалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилади ва сақланади.«Шарқ» нашрийт-нашрият асқадорлик компанияси босмахоноси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.